



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№44

2025-yil

5-noyabr, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



ЭЪТИРОФ, ЭЪТИБОР ВА ҚАДР — ҲАР БИР ИНСОН МЕҲНАТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИНИНГ ЭНГ ОЛИЙ БАҲОСИДИР. АЙНИҚСА, ЖАМИЯТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН, ХАЛҚ МАНФААТИНИ УСТУВОР ДЕБ БИЛГАН ФУҚАРОЛАР УЧУН БУ СЎЗЛАР ЧУҚУР МАЪНОГА ЭГА. ЗЕРО, ЭЪТИРОФ — МЕҲНАТГА БИЛДИРИЛГАН МИННАТДОРЛИК, ЭЪТИБОР — ФАОЛИЯТГА БЕРИЛГАН БАҲО, ҚАДР ЭСА — ШАХСГА НИСБАТАН КЎРСАТИЛАДИГАН ЮКСАК ҲУРМАТДИР.



Ўзхдп ифтихори — фидойиларга муносиб эътироф

► (Давоми 2-бетда)

НУҚТАИ НАЗАР

Касбий таълим:

Янги ўзгаришлар ёшлар ўртасидаги ишсизликка ечим бўладими?

ЯҚИН ТАРИХИМИЗДА УЗЛУКСИЗ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИНГ БИР БЎЛАГИ ҲИСОБЛАНГАН, ЎРТА БЎҒИН ИШЧИ КАДРЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАЙЯН КАМЧИЛИК ВА МУАММОЛАР ГИРДОБИДА ҚОЛГАН ЭДИ. МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ВА 2002 ЙИЛДАН БОШЛАБ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ ҚАМРАБ ОЛИНГАН МИНГДАН ЗИЁД КОЛЛЕЖЛАР АМАЛДА КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРМАЁТГАНИ ТОБОРА РАВШАНЛАШИБ БОРАДИ.

► (Давоми 6-бетда)

ДЕПУТАТЛАР ҲУДУДЛАРДА

ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ — БИР САФДА

Ҳар ойнинг охири ҳафтаси парламент депутатлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айнан шу кунларда депутатлар жойларга чиқиб, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказишади.

Бу учрашувларда фуқаролар ўзларини қийнаётган масалаларни очиқ айтишади, таклиф ва фикрларини баён этишади. Энг муҳими, мурожаатлар эшитилади, муаммолар ечимсиз қолмайди.



► (Давоми 3-бетда)

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ 5

ОБУНА — 2026



«ЎЗБЕКИСТОН
ОВОЗИ»
ГАЗЕТАСИГА
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭНДИ «ЎЗБЕКИСТОН
ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА



CLICK ВА Payme

ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОБУНА
БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ — 220



ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси давом этмоқда. Мазкур йирик анжуманга 180 дан ортиқ давлатдан 4 ярим мингдан ортиқ делегат ва олий мартабали меҳмонлар ташриф буюрган.

Дарҳақиқат, ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияси илк бор Париждан ташқарида, кўҳна Самарқандда ўтказилиши Янги Ўзбекистон сиёсатининг халқаро миқёсидаги нуфузидан далолат беради. Ва бу нафақат мамлакатимиз учун, балки бутун инсоният учун тарихий аҳамиятга эга воқеадир.

30 октябрь куни сессиянинг очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Тадбирда, шунингдек, Сербия Президенти Александар Вучич ҳамда Словакия Республикаси раҳбари Петтер Пелегрини, ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле иштирок этди.

► (Давоми 4-бетда)

ЭЪТИРОФ

ЎЗХДП ИФТИХОРИ – ФИДОЙИЛАРГА МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан таъсис этилган кўкрак нишони нафақат фаоллик ва садоқат учун миннатдорлик рамзи, балки ишонч ва самимий эҳтиром ифодаси сифатида аҳамиятли.

Айнан шу туйғулар замирида яратилган “Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ифтихори” кўкрак нишони — партия фаолиятида муҳим ўрин тутадиган, фидойи аъзоларни илҳомлантирадиган рамз сифатида хизмат қилади. Бу нишон партия ғояларига ишонч билан хизмат қилаётган, фуқаролар манфаатини устувор деб биладиган фидойи инсонлар фаолиятига берилган юксак эътирофнинг ифодасидир.

АЪЗОЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ТИМСОЛИ

Партия Уставига мувофиқ, “Ўзбекистон Халқ демократик партияси ифтихори” кўкрак нишони ҳар кимга берилмайди. Бу юксак эътироф фақатгина партия ғояларини чинакам қўллаб-қувватлаётган, устав талабларига риоя қилаётган ҳамда фаол аъзоларга тақдим этилади. Шу жиҳатдан, мазкур нишон ҳар бир соҳиби учун ишонч, масъулият ва фахр тимсоли ҳисобланади.

Партия фахрийси Собир Курбонов шундай дейди:

“Бу нишонни таққан инсон нафақат партия аъзоси, балки халқ ишончини зиммасига олган шахс ҳисобланади. Бу халққа хизмат қилиш йўлидаги садоқатни ҳам ифода этади. У фаол бўлиши, жамиятда эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида фидойи бўлиши лозим.”

Қашқадарёлик партиямиз фахрийси Январ Иноятлов эса кўкрак нишонини биринчи марта қўлга олган лаҳзани шундай эслайди:

“Бу белги мен учун фахр ва илҳом манбаи. У менга ҳар куни партиямизнинг шиорини — халқ манфаатини ҳимоя қилиш вазифасини эслатиб туради.”

Бундай фикрлар қўпчилик фаоллар тафаккурида умумий маънога эга: кўкрак нишони фақат безак эмас, балки фидойилик ва масъулият рамзи.

ПАРТИЯ ҚАДРИЯТЛАРИ ВА ИНСОН ОМИЛИ

Халқ демократик партияси ўз фаолиятида инсон манфаатини устувор, деб билади. Ҳар бир аъзо, ҳар бир ташаббус — халқ эҳтиёжини қондириш, ижтимоий тенглик ва адолат тамойилларига хизмат қилишни мақсад қилади. Шу маънода, кўкрак нишони — партия фалсафаси ва қадриятларининг моддий ифодаси сифатида аҳамиятга эга.

Партия Марказий Кенгаши ва ҳудудий ташкилотларда кўкрак нишони билан тақдирланган аъзолар сони ортиб бормоқда. Бу эса жамиятда фаол фуқаролик позициясига эга инсонлар қатламининг кенгайиб бораётганини кўрсатади. У фақат партиянинг идеалларини эмас, балки унга ишонган ва бу йўлда фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг шахсий қадрини ҳам ифода этади.

“Партиянинг ҳар бир белги ва рамзи – фақат кўриниш эмас, маънавиятнинг бир бўлаги. ХДП кўкрак нишони шу маънода фидойиларни бирлаштиради, уларга янги куч ва ишонч бағишлайди,” — дейди партия



Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Абдор Курбонов.

34 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА — ЯНГИ БОСҚИЧ САРИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партия ташкил топганлигининг 34 йиллиги муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда узоқ йиллар давомида партия Дастурини амалга оширишда, ғояларини халқ орасида кенг тарғиб этишда, дастурий мақсадларимизни рўйбга чиқаришда фаоллик ва фидойилик кўрсатиб келаётган аъзоларимизга “Ўзбекистон Халқ демократик партияси ифтихори” кўкрак нишони тантанали топширилди.

Таъкидланишича, сўнгги йилларда партия фаолиятида халқ билан очиқ мулоқотни кучайтириш, аҳоли эҳтиёжларига яқин бўлиш, ҳар бир масалани жойларда ўрганиш тамойиллари устувор йўналишга айланган. Бу жараён нафақат партиянинг ғоявий юзи, балки унинг амалдаги таъсир кучини ҳам мустаҳкамламоқда.

Йиғилишда партия Марказий Кенгаши раиси У. Иноятлов



электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ўзининг ташаббускорлиги ва масъулияти билан ажралиб турган партия фаолларини партия кўкрак нишони билан тақдирлаш тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Ҳар қандай эътирофнинг замирида меҳнат, садоқат ва ишонч ётади. “Ўзбекистон Халқ демократик партияси ифтихори” кўкрак нишони ана шу қадриятларнинг жонли рамзидир. Бу нишон фақат бир кунлик тантана эмас, балки ҳар куни халқ манфаати йўлида меҳнат қилаётган фидойиларга берилган маънавий масъулиятдир.

Бу нишонни таққан ҳар бир партия аъзоси билиб туради: у партиянинг юзи, халқ ишончи ва миллат орузсининг элчиси. Унинг кўксига нишон, юрагига эса халқ ишончи бор. Шу боис бу рамз ўтган хизматлар учун миннатдорлик, келажақдаги ташаббус ва фидойиликка даъватдир.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.



ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

Ижтимоий адолат жамиятдаги ҳар бир инсоннинг, миллати, ирқи, жинси, ёши ва моддий-маиший аҳволидан қатъи назар, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлайдиган куч. Мамлакат тараққиётининг таянч нуқтаси. Бугун геосиёсий ва глобал иқтисодий, экологик бўҳронлар ичида яшаётган дунёда ҳамма давлат ҳам инсон қадри устуворлигига асосланган ислохотларни, ижтимоий адолат принципини барча жабҳага самарали татбиқ этишнинг уddасидан чиқяпти, дея олмаимиз. Ўзини ижтимоий давлат сифатида намоён қилаётган Янги Ўзбекистоннинг эса бу борадаги интилиши ва қисқа вақт ичида тўплаган тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани эътиборга молик, албатта.

Худди шундай, жамият ҳаётида ижтимоий адолат устуворлигини кафолатлайдиган қонунчилик базасини такомиллаштириш жараёни изчиллик қасб этмоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида мана шундай руҳдаги қатор қонун ҳужжатлари маъқулланди. “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун шулардан бири.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ТУРЛИ КАМСИТИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Юқоридаги қонун ҳақида сўз борганда сал аввалроқ, яъни, 29 октябрь куни давлат раҳбарининг ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тақдироти билан танишгани, унда илгари сурилган ташаббуслар борасида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Аёнки, мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасидаги ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси 2021

йилдаги 17 фоиздан 6,8 фоизга, кам таъминланган оила сифатида нафақа олувчилар сони 14 фоиздан 6,1 фоизга камайди. Шу билан бирга, эҳтиёжманд қатлам вакилларининг турмуш шароитини яхшилаш, манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам бор.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги ва “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияларига мувофиқ, туғиш ва касаллик бўйича нафақалар ижтимоий суғурта механизмлари орқали тўланиши белгиланган. Тақдиротда билдирилган тақлифлар айнан аҳолини ижтимоий нафақалар билан таъминлаш қамровини ошириш ҳамда миллий ижтимоий суғурта тизимини халқаро ҳужжатларга уйғунлаштириш мақсадларини назарда тутди.

Қайд этилганидек, эндиликда расмий банд бўлган барча шахсларга нафақалар босқичма-босқич Ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан тўланиши йўлга қўйилади. 2026 йилдан бошлаб аёлларга ҳомиладорлик нафақаси, 2026 йил иккинчи ярмидан эса вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тўлаб борилади. Бу эса аёллар ва ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бирга расмий меҳнат муносабатларини рағбатлантиришни янги босқичга олиб чиқади.

Умуман олганда, ижтимоий суғурта тизими фуқароларнинг турли ижтимоий хавфлар, касаллик, ҳомиладорлик ва бошқа ҳаётий ҳолатлар пайтида молиявий барқарорлик ва ижтимоий таъминотни сақлашни таъминлаш учун мўлжалланган. У расмий меҳнат бозорини ривожлантиришга ва соядаги иқтисодиётни камайтиришга ҳам хисса қўшади.

Шу ўринда бир маълумот. 2024 йилда мамлакатимизда 130 мингдан ортиқ аёлларга туғурук нафақалари тўлаб берилган, шундан фақат 15 мингдан кўпроги хусусий секторда ишловчи аёллар хиссасига тўғри келади. Амалда эса хусусий секторда ҳар йили камида 150-160 минг аёл туғурук таътилига чиқади. Ижтимоий суғурта тизими жорий этилиши билан хусусий секторда ишлайдиган аёллар ҳам

тўлиқ ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиши мумкин. Нафақа миқдори, табиийки, иш стажига, тўланган ижтимоий ва даромад солиғига боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, 2026 йил 1 июлдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун компенсация механизми жорий этилади.

Юқори палата ялпи мажлисида сенаторлар томонидан “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун атрофича муҳокама қилинар экан, ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлашда, айниқса, ишга қабул қилиш жараёнларида хотин-қизларга нисбатан камситиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятли экани таъкидланди.

ЖАМИЯТДАГИ ИНКЛЮЗИВЛИКНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида қизгин муҳокамалардан сўнг маъқулланган яна бир ҳужжат - “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам ижтимоий ислохотлар натижадорлигини оширишга йўналтирилган.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шаҳарсозлик ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлимига (қисмига) амал қилинмаган ҳолда қурилиш тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси органлари томонидан рухсатнома берганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги идоралар ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган

талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 472-моддаси (Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонунчилик талабларини бузиш), 48-моддаси (Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш), 511-моддаси (Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судлардан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция ваколатига ўтказилмоқда ҳамда Ижтимоий инспекция органлари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ишлар белгилаб берилмоқда.

- Қўмитамиз томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш йўлида қилинаётган ишлар доимий равишда ўрганиб борилади, - дейди Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маруфова. - Жорий йилда Фарғона ва Сирдарё вилоятларида ушбу йўналишда махсус ўрганишлар ўтказилди.

Биргина Фарғона вилоятидаги ўрганишлар давомида гувоҳи бўлдикки, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш бўйича вилоят бошқармаси томонидан айрим лойиҳа ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқларсиз муҳит яратишга оид алоҳида техник қисми мавжуд бўлмаса-да, белгиланган талабларга зид равишда мазкур объектларга ижобий ҳулоса бериб юборилган.

Ёки ногиронлиги бўлган шахсларнинг қулай ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун мўлжалланган ижтимоий объектларнинг кириш қисмидаги пандуслар, шунингдек, ҳожатхоналар белгиланган талабларга жавоб бермаслиги, айрим объектларда икмонияти чекланган шахслар учун йўл кўрсатувчи чироқлар ўрнатилмагани ва кўзи ожизлар учун махсус йўлақлар ташкил этилмагани аниқланди.

Юқорида келтирилган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган ўзгаришлар бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериб, жамиятдаги инклюзивликни оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгги учрашувларда аҳолини иш билан таъминлаш, уй-жой ва сув таъминоти, йўл ҳамда электр энергиясига оид масалалар кўпроқ қизиқтираётгани маълум бўлди. Депутатлар эса бу муаммоларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганиб, амалий чоралар кўришмоқда.

Шунингдек, учрашувлар давомида фуқароларга янги қонунлар, Давлат дастурлари ва партия ташаббуслари ҳақида маълумотлар берилади. Бу жараён халқ ва давлат органлари ўртасидаги мулоқотни янада кучайтиради, ишончни оширади.

Шундай қилиб, ҳар ойнинг охириги ҳафтаси депутатлар учун ҳисобот, фуқаролар учун эса имконият ҳафтасига айланмоқда.

ТАЪЛИМ ВА МАҲАЛЛА РИВОЖИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Қосимова Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида жойлашган 1-сонли умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, ўқувчи ва ўқитувчилар билан учрашди.

Учрашув давомида депутат таълим соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берди. Айниқса, таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш, педагог кадрлар учун яратилаётган имкониятлар ва замонавий таълим муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Қ.Қосимова мактабдаги шарт-шароитларни ҳам ўрганиб, ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун зарур имкониятлар яратилганини қайд этди. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг фикр ва таклифларини эшитиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тавсиялар берди.

Учрашувлар “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинида давом этди. Халқ вакили бу ерда маҳалла еттилиги фаолияти билан яқиндан танишиб, фуқаролар билан самимий мулоқот ўтказди.

Маҳалла фаоллари таъкидлаганидек, кейинги йилларда маҳалла институтини ислох қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, “еттилик” тизимининг жорий этилиши аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш имконини берди. Бу эса одамлар ҳаётини енгиллаштириш, муурожаатларга тезкор ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мулоқотлар чоғида фуқароларнинг бир қатор муурожаатлари тингланди. Улар асосан маҳалла инфратузилмаси, иш билан таъминлаш ва ижтимоий масалаларга тааллуқли бўлди. Энг муҳими, муурожаатларнинг кўп қисми жойидаёқ тегишли мутасаддилар иштирокида ҳал этилди.

— Халқ вакили бўлиш — фақат қонун чиқариш эмас, балки одамлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг дардини эшитиш, муаммосига ечим топишдир, — деди депутат Қ.Қосимова учрашув якунида. — Шу йўл билан биз халқ ишончини янада мустаҳкамлаймиз.

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати И.Токарева ва ишчи гуруҳ Олмазор туманидаги “Инсон” ижтимоий



ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ – БИР САФДА

хизматлар марказида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Ташриф давомида марказ ходимларининг меҳнат шарт-шароитлари, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда ижтимоий ёрдамларнинг самарадорлиги ўрганилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари таъкидлаганидек, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига тезкор ва қўлай хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Шу боис хизматлар тизимини янада такомиллаштириш, иш жараёнларини соддалаштириш ва фуқаролар розилигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

— Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири, ҳаётини масала туради. Шунинг учун ижтимоий хизматларнинг самарадорлиги, инсон манфаатига хизмат қилиши энг устувор вазифадир, — деди депутат И.Токарева.



ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЎРГАНИШЛАР НАФАҚАТ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШГА, БАЛКИ УЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ЭНГ МУҲИМИ, ҲАР БИР УЧРАШУВ ОРҚАЛИ ОДАМЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ҚИЛИНМОҚДА, УЛАРНИНГ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНЯПТИ.

ҲАЛОЛЛИК – ИШОНЧ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси М. Ўразалиева Мирзачўл туманида фуқаролар билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашувда жамиятда ҳалоллик ва масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, давлат хизматчилари фаолиятида очиклик ва ҳисобдорликни таъминлаш, айниқса, ёшлар онгида коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини қонунийлик, адолат ва халқ манфаатига хизмат қилиш асосида олиб бориши зарур. Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасиз муносабатда бўлиш – бугунги кун талаби, — деди депутат.

Учрашувда фуқаролар ўз фикр ва таклифларини баён этдилар. Депутат томонидан масъулларга тизимли профилактика ишларини кучайтириш, жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш ва ҳалоллик муҳитини кенгайтириш юзасидан аниқ таклифлар берилди.

М.Ўразалиева таъкидлаганидек, ҳалоллик ва очиклик тамойиллари нафақат давлат хизматчилари, балки ҳар бир фуқаро ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаши керак. Чунки фақат шундагина жамиятда адолат ва ишонч муҳити қарор топади.

МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Фракциямиз аъзоси Ф. Шарипов бошчилигидаги ишчи гуруҳ пойтахтимизнинг Сергели туманида бўлиб, бир қатор ижтимоий соҳа объектларида ўрганишлар олиб борди.

Ишчи гуруҳ "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази, махсус мактабгача таълим ташкилоти ва маҳаллаларда бўлиб, таълим, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва камбағалликни қисқартириш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ижтимоий ислохотлар амалда ўз самарасини бермоқда. Жойларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар қамрови кенгайган, камбағал оилаларни рўйхатга олиш ва ёрдам кўрсатиш тизими яхшиланган. Таълим муассасаларида ҳам замонавий педагогик ёндашувлар

босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Масалан, кўплаб ижтимоий объектларда пандуслар стандарт талабларига жавоб бермайди, бу эса ногиронлик аравачасида ҳаракатланувчи фуқароларга ноқулайлик туғдиради. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш масаласида янги ёндашувлар етарлича қўлланилмаётгани ҳам маълум бўлди. Мактаб ва боғчалардаги аутсорсинг хизмати (озиқ-овқат ва тозалик ишлари) самарасиз ишлаётгани ҳам қайд этилди.

Фракциямиз аъзоси И. Наризова ҳам Навоий вилояти Навбахор туманида бўлиб, “Қоровултепа” маҳалласидаги аҳвол билан яқиндан танишди. Депутат маҳалладаги мактаблар, оилавий поликлиника ва бошқа ижтимоий объектларда бўлиб, аҳолининг муурожаатларини тинглади.

Учрашувлар чоғида мактабларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари, иситиш тизимлари ҳолати ҳамда ўқувчилар учун яратилган шароитлар ўрганилди. Шунингдек, оилавий поликлиникада тиббий хизмат кўрсатиш сифати, дори воситалари таъминоти ва санитария ҳолати кўриб чиқилди.

Маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар билан бўлган суҳбатда аҳолининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Фуқаролар томонидан билдирилган таклиф ва муурожаатлар депутат томонидан қайд этилиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Депутатлар томонидан жойларда олиб борилаётган ўрганишлар нафақат мавжуд муаммоларни аниқлашга, балки уларни тизимли ҳал этиш бўйича амалий чоралар белгилашга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир учрашув орқали одамлар билан бевосита мулоқот қилинмоқда, уларнинг фикр ва таклифлари инobatга олинапти. Бу эса “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойилнинг ҳаётини ифодаси бўлиб, халқ билан мулоқот ва очиклик сиёсатининг амалдаги самарасини кўрсатади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

БЎЛҒУСИ ШАРҚШУНОСЛАР УЧУН ПАРТИЯНИНГ МАХСУС ХОНАСИ ОЧИЛДИ

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Тошкент давлат шарқшунослик университетида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг доимий фойдаланишда бўладиган махсус хонаси очилди.

Хонанинг очилишида Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари, партия Марказий Кенгаши масъуллари ва фаол ёшлар иштирок этди.



Махсус хонанинг очилиши нафақат партия тарихи ва бугуни, балки юртимиз сиёсий ҳаётида ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Ёшларда мустақил фикрлаш, танқидий ва стратегик тафаккур кўникмалари ривожлантирилади.

Бу марказ орқали университет талабалари партиянинг дастурий мақсадлари, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва демократик институтларнинг ривожланиши ҳақида кенг қамровли билимга эга бўлади. Университетнинг илмий муҳити ва партиянинг сиёсий фаолиятини уйғунлаштириш орқали талабалар амалиёт ва назарияни бирлаштириб, замонавий давлат ва жамиятнинг мураккаб жараёнларини теран англайди.

Шу тарзда, Тошкент давлат шарқшунослик университетида очилган махсус хона нафақат партиянинг 34 йиллик тарихини ўзида мужассам этади, балки ёшлар учун сиёсий билим, демократик қадриятлар ва жамоатчилик фаоллигини ривожлантирувчи марказ сифатида муҳим аҳамият касб этади.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР ИШЛАШ ВА КАСБ ЎРГАНИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИ

Халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими ҳамда Ногиронлар жамияти ҳамкорлигида ногиронлиги бўлган фуқаролар учун меҳнат ярмаркаси ташкил етилди.



Ярмаркада 26 та корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

Тадбир давомида ногиронлиги бўлган шахсларга иш таклиф қилиниши билан бирга касб ўрганиш истагида бўлганларга ҳам ёрдам берилди. Масалан, “Ялпоқтепа” маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Б.Йўлдошев компьютер саводхонлигини ошириш ва бир жойда ўтириб ишлаш ҳоҳишини билдирди. Мутасаддилар унга ўқиш учун йўлланма беришди.

“Нуробод” маҳалласида яшовчи 2-гуруҳ ногирони У.Жумамуратов ва “Чувилдок” маҳалласида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Ё. Қўшвақтова қўл меҳнати билан махсулот тайёрлаш, лекин сотиш борасида муаммога дуч келишаётганини маълум қилишди. Уларга махсулотларини сотиш учун ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг нутқи ўз мазмун-моҳиятига кўра нафақат миллий манфаатларни ифода этди, балки глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган инсоний, маънавий ва интеллектуал концепция сифатида жаҳон диққат марказида бўлди. Сабаби, унда илгари сурилган ғоялар халқаро экспертлар ва давлатлар етакчилари томонидан таълим, фан, маданият, экология, ахборот хавфсизлиги ва бағрикенглик соҳаларидаги долзарб ташаббуслар билан уйғун ҳолда, янги гуманитар дипломатия модели сифатида эътироф этилмоқда.

Самарқанд мезбонлигида ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида ташкилот Бош директори Одри Азуле оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.



Сара Ношади,
ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси раҳбари:

– Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Бош конференциясини ўтказишни таклиф этди ва охириги қирқ йил ичида мазкур нуфузли тадбирни Париждан ташқарида ўтказишга журъат этган илк давлатга айланди. Бу ҳақиқатан ҳам тарихий қарор бўлиб, икки йил аввалги сессияда барча аъзо давлатлар томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

ЮНЕСКО учун кўп йиллар давомида конференцияни Париждан ташқарида ўтказиш деярли имконсиздек кўринган эди. Аммо бугун биз бунинг амалга ошганини кўрмоқдамиз – бу Ўзбекистоннинг ташаббуси ва қатъияти туфайли рўй берди. Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтмоқчи эдим.

Самарқанд ўзининг кўлами, муҳити, гўзаллиги ва уюшқоқлик даражаси билан ҳаммани лол қолдирди. Ҳатто айтиш мумкинки, бу ердаги ташкилотчилик Париждагидан ҳам юқори.

Эътиборли жихати, биз Ўзбекистон ҳукумати билан маданий меросни асраш ва тарғиб қилиш соҳасида яқин ҳамкорликдамиз. Албатта, бу йўналишнинг марказида Самарқанд турибди. Маданият соҳасида Ўзбекистон юқори даражадаги ташкилотчилик ва улкан амбиция билан ўз меросини жаҳон миқёсида намойиш этмоқда – бу борада Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа давлат тузилмалари фаол иш олиб боришмоқда.

Фаолиятимизнинг асосий йўналиши – маданий меросни асраш ва муҳофаза қилишдир. Ўзбекистон Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида маданият

– Ўзбекистон таклифига биноан ЮНЕСКО тарихида, 40 йилда илк бор биз бош конференциямизни Париждан ташқарида, Самарқандда ўтказмоқдамиз, – деди Одри Азуле хоним. – Биз мана шундай тарихий босқични бошдан кечираётганимиздан жуда мамнунман. Бу ерда бутун дунё учрашмоқда, маданият, таълим, фан, ахборот атрофида бирлашмоқда.

Одри Азуле хоним ўз сўзида асли ливанлик ёзувчи Амин Маалуфнинг “Самарқанд” китобидан шундай иқтибос келтирди: “Бу шаҳар Ернинг қуёшга юзланган энг гўзал сиймосидир”.

Бундай гўзал таърифга ҳамоҳангликда шуни қўшимча қилиш мумкинки, бугун бутун дунёнинг нигоҳи Ер юзининг сайқали – Самарқандга қадалган. Ва бу бежиз эмас.

соҳасига ажратилаётган маблағлар бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу эса мамлакатнинг ўз тарихи ва маданий ўзига хослиги қимматини чуқур англаётганидан дарак беради.

Хозирда ЮНЕСКО Ўзбекистонда энг йирик лойиҳалардан бирини амалга оширмоқда – бу лойиҳа Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик билан ҳамкорликда ўқитувчилар малакасини оширишга қаратилган. Мақсад – таълим сифати ва сифатли педагогик тайёргарлиқни таъминлашдир. Бундан ташқари, ЮНЕСКО Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик билан ҳамкорликда касб-ҳунар таълими тизимини модернизация қилиш устида ишламоқда. Ушбу ташаббус бир неча йил аввал бошланган бўлиб, бугунги кунда фаол ривожланмоқда. Биз Ўзбекистон ҳукумати билан маданий меросни асраш борасида ҳам яқин ҳамкорлик олиб бораёلمиз.

– Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, таълим замонавий ва келажакка йўналтирилган бўлиши лозим. Бу мен учун жуда илҳомлантирувчи фикр, чунки фан, технология ва инновация соҳаси айнан ёш авлодни етакчиликка тайёрлашга қаратилган. XXI аср авлоди технология билан яқин ва улар учун таълим “технология етакчи” бўлиши керак.

Таълим воситалари тенглаштирилганда, имкониятлар ҳамма учун очик бўлади. Гендер тенглик аёлларнинг барча даражада фаол бўлишига имкон яратади. Биз юртингизда кўплаб аёл етакчиларни кўрмоқдамиз ва бу жуда илҳомлантиради. Шунингдек, бу масала маданият билан ҳам узвий боғлиқ. Зеро, ЮНЕСКО маданият ташкилоти ҳамдир.



Исаак Кинги Морунга,
ЮНЕСКОнинг Янги
Зеландиядаги миллий
комиссияси вакили:

– ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси

арафасида Самарқандда ЮНЕСКОнинг 14-Ёшлар форуми ҳам бўлиб ўтди. Форумда икки муҳим тавсияни илгари сурдим. Биринчиси – авлодлараро мулоқотни кучайтириш зарурати. Бу жамиятимиз олдида турган энг долзарб масалалардан бири, жумладан, иқлим ўзгариши муаммосини ҳал этиш учун биз, ёшлар катталар билан ҳамкорликда ишлашимиз лозим. Бу жараёнда барча томонлар ўз масъулиятини ҳис этиб, фаол иштирок этиши муҳим. Иккинчи тавсиям шундан иборатки, форумда 140 мамлакатдан 150 нафар ёш делегат қатнашди, бироқ уларнинг барчаси ўз мамлакатидеги ЮНЕСКО Миллий комиссияси билан узвий алоқага эга эмас. Шунинг учун ёшлар томонидан ишлаб чиқилган ғоя ва ташаббусларнинг форумдан кейин ҳам амалда

давом этиши учун миллий комиссиялар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш зарур.

Ўзбекистонлик ёшларнинг форумдаги фаол иштирокини алоҳида эътироф этиш лозим. Улар мамлакатнинг турли ҳудудларидан келиб, делегатлар учун қулай шароит яратдилар, Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти ва меҳмондўстлигини чин дилдан намоён этдилар. Бу эса форумга илиқлик, самимият ва ўзига хос рух бағишлади.

Ҳар бир инсон, у қандай маданият, дин ёки қарашларга мансуб бўлишидан қатъи назар, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми сифатида ҳис қилиши зарур. Чунки ЮНЕСКОнинг асосий мақсади – инсонлар онгида тинчликни мустаҳкамлашдир. Биз бу мақсадга инсонларни бирлаштирувчи қадриятларни мустаҳкамлаш орқали эришамиз.

мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, маърузада инклюзив таълимни ривожлантириш ва соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг қўллаш борасида ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим платформасини жорий этиш ғояси илгари сурилди. Жисмоний ва ижтимоий чекланишлардан қатъи назар, ҳар бир болага таълим олиш имконияти яратилиши шарт ва зарурдир. Бу борада ташаббусни ЮНЕСКО ўз қўлига олиши халқаро миқёсда мазкур муаммонинг ечими тезлашишига олиб келади.

Бу ташаббуслар таълим тизимини рақамли аср талабларига мослаштириш, ёш авлоднинг ижодий ва ахлоқий салоҳиятини оширишга қаратилган. Қолаверса, бу ЮНЕСКОнинг “Education 2030” концепцияси билан уйғун бўлиб, Ўзбекистонни билим иқтисодиёти марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

Хусусан, мен келган Кариб минтақасида сизнинг мамлакатингиз – Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг ёшлари ҳақида кўп нарса маълум эмас. Шунинг учун, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО клублари, ЮНЕСКО Миллий комиссияси орқали ахборот алмашиш ғояси – бу алоқаларни мустаҳкамлаш, интеграция ҳаракати орқали абадий тинчлик сари олға қадам ташлаш демакдир.



Асма Банафа, ёш эколог
(БАА):

– Ёшлар форумида ўз ғояларим ва таклифларимни бутун дунёдан келган маслакдош ва тенгдошларим ҳукмига ҳавола этдим. Ушбу форумда дунёнинг турли мамлакатларидан келган ёш етакчилар бир жойга жамланиб, барқарор келажак яратишда инновация ёшларга қандай ёрдам бериши мумкинлигини

муҳокама қилишди.

Жумладан, биз интенсив ишчи сессиялар орқали ёшларнинг иқлим бўйича дуч келаётган муаммоларини таҳлил қилдик, уларни ҳал этиш бўйича ташаббуслар ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Бу тавсияларда ёшларни ечим топиш жараёнининг марказига қўйиш, уларни етакчи сифатида кўриш ғояси илгари сурилди. Асосий тавсияларимиз руҳий соғлиқ, таълим ва рақамли тенглик масалаларига қаратилган.

Биз ишонамизки, халқаро анжуманларда ёшларнинг фикрлари инobatга олинади, уларнинг тавсиялари амалий қарорлар асосига айланади. Шунингдек, жаҳон миқёсида инновация ва барқарор ривожланиш марказларини ташкил этиш, минтақалар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам муҳим.

Бугунги кунда БАА ўз инфратузилмасига барқарор ёндашуви чуқурроқ жорий этиш стратегиясини қабул қилган. Масалан, мамлакатда дунёдаги энг йирик қуёш энергияси майдони мавжуд.

Шунингдек, “водород саноати пилот дастури” деб номланган ташаббус бор. У цемент ва пўлат ишлаб чиқариш соҳаларидаги икки тажриба лойиҳасини қўллаб-қувватлайди ва уларни БААнинг водород энергетикаси бўйича миллий йўл харитасига мослаштиришни кўзлайди.

Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия дастурлари доирасида қуёш энергиясига асосланган энергия сақлаш тизимлари яратилаётган бўлиб, бу мамлакатнинг “тоза энергия ташаббуси” билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ЮНЕСКО Ёшлар форумига келишимизнинг асосий сабаби, дунёдаги тенгдошларимиз экологик масалалар билан қандай шуғулланаётганини кўриш, иқлим таҳдидлари билан қандай курашаётгани ва уларнинг ечимлари билан танишиш эди. Бу танишув ҳар томонлама фойдали бўлди ва форум давомида биз ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилдик.

Тоштемир Худойкулов,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.



Микека Чомара,
Малави Республикасининг
фан ва технологиялар вазири:



Ҳаннам Евертон Фитзрой,
ЮНЕСКОнинг Ямайка
Республикасидаги миллий
комиссияси вакили:

– Форум юксак даражада давом этмоқда. Мен биринчи марта Ўзбекистонда бўлишим ва бундан жуда мамнунман. Одамларнинг иссиқ чехраси, меҳмондўстлиги мени қувонтирди.

Мамлакатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқида дунёдаги геосиёсий кескинлик, ахборот нотенглиги, иқлим инқирози ва билим соҳасидаги тафовутлар ортиб бораётгани ҳақида сўз борди. Президент бу муаммоларни ҳал этиш учун ЮНЕСКО доирасида кўп томонлама ҳамкорликни



Бадриддин НАСРИЕВ,
ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши
раиси, вилоят кенгаши депутати.

30 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият ташкилоти – ЮНЕСКОнинг сўнгги 40 йилликда Париждан ташқарида ўтаётган илк конференцияси Самарқандда очилди.

Шуниси эътиборлики, Бош конференция доирасида 150 дан ортиқ тadbирлар, мезбон Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 20 дан ортиқ қўшимча учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Ушбу тadbирлар, албатта, фан, таълим, маданият, маданий мерос ва тарихий ёдгорликлар соҳаларини қамраб олмоғи аниқ. Бу тарихий конференцияни оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида дунёнинг етакчи ОАВларидан 500 дан ортиқ журналист ва мухбирлар Самарқандга етиб келганининг

ўзиёқ мазкур анжуманнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи қай даражада эканидан далолат беради.

Ушбу конференциянинг очилиши маросимида ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле анжуманнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, Самарқанд ҳақида ўзининг чуқур билимга, тенгсиз маълумотларга эга эканини намойиш этди.

- Самарқанд ҳудудида Сўғдиёна ва Бактрия даврларидан бошлаб турли халқлар яшаган ва турли саёҳатларни амалга оширишган ҳамда савдо-сотик билан шуғулланган, - деди Одри Азуле. - Жумладан, юнонлар, форслар, араблар, турклар, мўғиллар ўзларидан жуда кўплаб тарихий анъаналарни, илм-фан, маданият ривожини билан боғлиқ меросларни қолдирган. Самарқанд турли даврларда мустаҳкам қалъа, империя пойтахти, карвонлар тўхтайдиган манзил, илм-фан маркази ва санъат бешиги дунёга ном чиқарган муқаддас маскандир. Шаҳарнинг илмий ва интеллектуал мероси замонавий дунёнинг шаклланишига муносиб хизмат қилган. Сўнгги саккиз йил давомида биз фаолиятимизни консенсус усулида амалга оширишга эришдик. У барча меъёрий ва амалий ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаш учун нафақат давлатларни, балки фуқаролик жамиятларини, энг илғор мутахассисларни, йирик компанияларни ва кенг жамоатчиликни ҳам ўз ичига олаётгани катта

ютуғимиздир.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантириш, 19 ноябрни “Ҳужжатли мерос халқаро куни” деб белгилаш ва ЮНЕСКО тузилмасига қирадиган Рақамли мерос бўйича халқаро институтни ташкил этиш каби таклифлар маданий ва маънавий меросни ҳимоя қилишга қаратилган стратегик ташаббуслардир. Бу билан Ўзбекистон ўзининг илмий, маънавий ва тарихий хазинасини бутун инсоният мулки сифатида эътироф этишни рағбатлантирмоқда.

“Самарқанд руҳи” ғояси эса глобал гуманитар дипломатиянинг янги тамал тоши бўлди. Бу ғоя тинчлик, мулоқот, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни умуминсоний қадрият сифатида ўзида мужассам этади.

Ҳа, Самарқанд асрлар давомида илм-фан, маданият ва цивилизациялар

чорраҳаси бўлгани каби, бугун ҳам дунё халқларини бирлаштирувчи маънавий марказ сифатида бўй кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясидаги нутқи Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаган, “инсон – жамият – давлат” концепциясига асосланган гуманитар дипломатиянинг янги босқичини бошлаб берган дастурий ҳужжатдир.

Самарқандда давом этаётган ЮНЕСКОнинг навбатдаги анжумани эса кўрилаётган масалалар, амалга оширилиши режалаштирилаётган амалий ишлар қамрови ҳамда аҳамиятига кўра, илм-фан, маданият, маърифат ҳамда санъатни, дунё халқлари анъаналарини бирлаштирувчи тарихий воқеа сифатида муҳрланиши шубҳасиз.



БУ ТАРИХИЙ КОНФЕРЕНЦИЯНИ
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИШ
МАҚСАДИДА ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ
ОАВЛАРИДАН 500 ДАН ОРТИҚ
ЖУРНАЛИСТ ВА МУХБИРЛАР
САМАРҚАНДГА ЕТИБ КЕЛГАНИНИНГ
ЎЗИЁҚ МАЗКУР АНЖУМАННИНГ
ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТДАГИ
НУФУЗИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЭКАНИДАН
ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Шерали МАМАДЕЦОЕВ,
халқ депутатлари Сирдарё
вилояти Кенгаши депутати,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази
Сирдарё вилояти ҳудудий
бўлинмаси раҳбари.

Европа Иттифоқи дунёдаги энг катта иқтисодий кучлардан бири саналади. Унинг ялпи ички маҳсулоти тахминан 19 триллион долларни ташкил этади. 450 миллиондан ортиқ аҳолиси билан бу ҳудуд энг йирик истеъмол бозорларидан бири ҳамдир.

Европа Иттифоқи жаҳон савдосида ҳам етакчи ўринда. Бугунги кунда жаҳон экспортнинг қарийб 17 фоизи ва импортнинг 15 фоизи айнан шу ҳудуд ҳиссасига тўғри келади.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлиги иқтисодий имкониятлар эшигини очиши баробарида мамлакатимизга янги тажрибалар, янги бозорлар ва янги ютуқлар олиб келади. Юқоридаги рақамларнинг ўзи мазкур тарихий келишув

Бугун жаҳондаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар тобора тез суръатда ўзгариб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлини танлади. Чунки ҳозирги замонавий дунёда ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди.

Бу жараённинг мантиқий давоми сифатида Брюсселда муҳим ҳужжат — “Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги” битим имзоланди. Ушбу битим Ўзбекистоннинг очиқ дунё, барқарор ривожланиш ва фаровон келажақ сари ташлаган муҳим қадами бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

қанчалик муҳимлиги, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи муносабатларида янги босқич бошланаётганини кўрсатиб турибди.

Биринчидан, бозор имкониятлари кенгайди, яъни, маҳаллий маҳсулотларимиз ЕИнинг 27 та мамлакати бозорларига кириб боради. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларимиз учун экспорт ҳажмини ошириш, янги истеъмолчилар билан ишлаш ва Европа стандартларига мослашишида кўл келади.

Иккинчидан, божхона жараёнлари соддалашади, техник тўсиқлар камаяди. Тадбиркорлар учун товарларни божхонадан ўтказиш тартиби энгиллашади, ортиқча ҳужжатлар ва расмийчилик камаяди. Бу эса ташқи савдода вақт ва харажатни тежаш, савдо айланмасини тезлаштиришга ёрдам беради. Битим билан техник регламентлар, сертифицикатлаш ва маҳсулот стандартларини мувофиқлаштириш ҳам кўзда тутилган. Натижада, Ўзбекистон маҳсулотлари Европа талаблари

билан мослашган ҳолда эркинроқ савдога чиқади.

Учинчидан, инвестиция муҳити либераллаштирилади, виза жараёнлари соддалаштирилади. Битим Европа инвесторларига Ўзбекистонда ҳуқуқий кафолатлар ва барқарор шароит яратади. Бу янги заводлар, технопарклар ва иш ўринларининг ташкил этилишига, иқтисодиётнинг модернизациясига хизмат қилади. Олимлар, тадбиркорлар ва мутахассислар учун Европа мамлакатларига бориш жараёни осонлашади. Бу томонлар ўртасида маданий алмашинув ва ҳамкорликни ривожлантиради.

Тўртинчидан, таълим ва илмий ҳамкорлик кенгайди, рақамли ва инновацион соҳаларда ўзаро алоқалар кучаяди. Ўзбекистон талабалари учун Европанинг нуфузли университетларида ўқиш, стажировка ўташ ва қўшма илмий лойиҳаларда қатнашиш имкониятлари ортади.

Сунъий интеллект,



стартаплар, рақамли хавфсизлик ва технологик инновациялар соҳасида қўшма дастурлар амалга оширилади. Бу ёшлар ва IT мутахассислар учун янги имкониятлар, грантлар ва ҳамкорлик лойиҳаларини очади.

Бундан ташқари, ташқи сиёсат ва хавфсизлик, экология, ахборот хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа қатор муҳим йўналишлар ҳам битимнинг асосини ташкил этади.

Демак, бу битим фақат ташқи сиёсий ёки иқтисодий ҳужжат эмас, балки мамлакат тараққиётининг янги босқичига ўтиш йўлидаги мустаҳкам ҳуқуқий пойдевордир. Бу орқали Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириб, жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, Европа стандартларига мос иш юритиш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ошади.

Ахборот хавфсизлиги, инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ташқи сиёсат ва хавфсизлик соҳаларидаги мулоқот мамлакатимиз нуфузини янада мустаҳкамлайди.

Мазкур келишувнинг аҳамияти ҳақида халқаро экспертлар ҳам фикр билдириб, битим Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги Янги Ўзбекистон учун катта сиёсий ва иқтисодий ютуқ экани, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга, ташқи сиёсатда ишончли ва барқарор шерик сифатида тан олинishiга хизмат қилиши, буни ўзбек дипломатиясининг сўнгги йиллардаги энг муҳим натижаларидан бири сифатида эътироф этишмоқда.

Мазкур битим халқаро медиа майдонида ҳам илиқ кутиб олинди. Европа наشرлари буни Ўзбекистоннинг очиқ дунё, барқарор ривожланиш ва фаровон келажақ сари яна бир муҳим қадами, деб баҳоламоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари, хусусан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, бошланғич таълим, ҳуқуқшунослик йўналишларида 3 йиллик таҳсил ёшларга кўп ҳам ёрқин келажакни кафолатламасди. Нега?

Касбий таълим:

Янги ўзгаришлар ёшлар ўртасидаги ишсизликка ечим бўладими?



Биринчидан, касб-хунар коллежларида белгиланган айрим таълим йўналишлари ва қабул квоталари иқтисодиётнинг реал эҳтиёжлари, тез ўзгарувчан характерга эга меҳнат бозори талабларига тўлақонли жавоб бермасди. Узоқ қишлоқдаги оила 9-синфни битирган қизини тикувчиликни ўрганиши учун бир неча километр узоқдаги коллежда ўқитишдан кўра, яқин атрофдаги бирор чеварга шогирдликка беришни афзал кўрган. Зотан, “Тикувчиликни ўрганиш учун қиз боланинг 3 йиллик умрини бекорга ўтказиш шартмас, 5-6 ойда бу хунар сирларини эгалласа бўлади”, деган қараш қайсидир маънода тўғри ҳам эди. Худди шундай, ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик каби хунарларни хусусий ўқув марказларида атиги бир неча ойда бўлаётган таълим имконияти турганда кўплаб ота-оналар фарзандини коллежларда ўқитиш танловини маъқул кўрмасди. Коллежларда, айниқса, чекка, олис ҳудудларда давомат масаласи энг огрикли нукталардан бўлгани ҳам сир эмас.

Иккинчидан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда юзакилик рўйи-рост сезиларди. Иш берувчи ташкилотлар билан тузиладиган уч томонлама шартномалар кўпинча расмийлик учун бўлиб, коллежни битирган барча йигит-қизлар ҳам амалда даромадли муқим иш топа олмадилар. Иқтисодиётда тобора ўрни ва таъсири фаоллашиб бораётган хусусий сектор субъектлари коллеж битирувчиларига билимни ва умидли кадр сифатида қарамас эди. Чунки коллежларда таълим сифатининг ўзи қатта бир муаммога айланганди. Замонавий методикага асосланган дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиш, синф ҳамда устахоналарнинг моддий-техник базаси масаласида ҳам ҳақиқий ҳолат ҳавас қилгулик бўлган.

Мана шундай шароитда, дейлик, коллежнинг чилангарлик йўналишини битирган йигит ҳатто сифатли пайвандлашни ҳам билмаса, қайси тадбиркор уни ишга қабул қиларди?!

2018 йилдан кўп соҳалар қаторида касб-хунар таълимини модернизация қилиш, тизимдаги камчилик ва муаммоларга барҳам бериш мақсадида туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Касбий таълимни илғор халқаро стандартлар асосида қайта ташкил этиш, бугунги глобаллашув даврида нафақат ички, балки ташқи меҳнат бозори учун ҳам малакали ва рақобатбардош кадрлар

тайёрлашга жиддий киришилди. Иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларини, рақамлашаётган дунёдаги тенденцияларни ҳисобга олиб, ўз мутахассислиги бўйича назарий ва амалий кўникмаларга эга, замонавий ахборот технологияларини, хорижий тилларни биладиган малакали кадрларни тайёрлаш долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Дунёда...

Ҳар қандай таълимнинг пировард мақсади – бу рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Касбий таълимнинг ҳам, инчунун. Мамлакат тараққиёти, ижтимоий ислохотларни “озиклантириб турадиган” иқтисодиётнинг юксалиши билим ва амалий кўникмаси юқори кадрларга боғлиқ.

Ўрганишларга кўра, дунёда қарийб барча давлатда касбий таълим йўлга қўйилган. Кўплаб давлатларда касбий таълимга ўрта мактаб ва олийгоҳ ўртасидаги кўприк сифатида қаралади. Одатда 1 йилдан 3 йилга қадар давом этадиган касбий таълим баъзи давлатларда коллежлардан ташқари политехника институтлари ва ҳатто университетларда ҳам йўлга қўйилган. Баъзи мамлакатларда эса ёшларга касб-хунар мактабларида назарияни ўрганиб, иш жойида амалий кўникмаларини оширадиган дуал дастурлар таклиф қилинади. Бунда ёшлар кўпинча муҳандислик, механика, қурилиш, ҳамширалик, дурадгорлик каби касбларни танлайдилар. Сўнгги йилларда таълимнинг ушбу босқичида юқори технологияли касблар ва IT саноатига дахлдор йўналишлар жадал оммалашмоқда.

Жаҳон таълимида касбий таълим соҳасида Германия муваффақиятли моделни шакллантиргани алоҳида эътироф этилади. Немис жамияти касбий таълимнинг кадр-қимматини тан олади ва ўрта мактаб битирувчиларининг ярмидан кўпи коллежда ўқиш келажакда ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланишининг гарови, деб ҳисоблайди. Германияда касб-хунар таълими Федерал бандлик агентлигининг мамлакатда шу кунларда зарур бўлган касблар ҳақидаги маълумотлари асосида ривожлантирилади. Бу ерда касбий таълим ривожига иш берувчи компаниялар етакчи роль ўйнайди: улар ҳатто ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар, коллеж ўқувчиларига амалиёт шартномаларини таклиф қиладилар. Бир сўз билан айтганда,

компаниялар ўзлари учун керакли кадрларни етиштиришда ҳал қилувчи ўрин тутишади.

Жанубий Кореядаги касбий таълим тизими бозор талабларига мувофиқ шаклланган. 1970-йилларда ҳукумат оғир ва кимё саноати учун ўрта махсус маълумотли муҳандислар тайёрлашга эътибор қаратди. 2000-йиллардан бошлаб бу ўлкадаги коллежларни кўп сонли IT мутахассислари битириб келмоқда. Аҳамиятлиси, Жанубий Кореяда коллеж битирувчиларининг 80 фоиздан ортиғи ўзлари танлаган соҳа бўйича иш топишади. Бундан ташқари, турли уюшмалар, йирик холдинг компаниялари томонидан ташкил этилган хусусий коллежлар тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва автомобилсозлик, ижтимоий соҳа ходимлари ва муайян соҳаларда тақчил бошқа мутахассисларни тайёрлайди.

Нидерландиядаги касбий таълим муассасалари эса қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, экология, энергетика ва қайта тикланадиган энергия, сув ресурсларини бошқариш ва логистика йўналишларида салоҳиятли кадрларни етиштирмоқда.

Хитойда ҳозирда 11 мингдан

» КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ ИЛҒОР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ТАШҚИ МЕҲНАТ БОЗОРИ УЧУН ҲАМ МАЛАКАЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЖИДДИЙ КИРИШИЛДИ.

ортиқ касб-хунар мактаблари мавжуд бўлиб, уларни ҳар йили тахминан 10 миллиондан зиёд мутахассис битиради. Аммо муаммо шундаки, Хитойдаги касб-хунар таълими муассасалари унчалик ёшлар ўртасида обрўга эга эмас. Бу юрт ёшлари олийгоҳларда ўқишни устун кўришади. Шунинг учун ҳам Хитой 2035 йилга бориб дунёдаги энг яхши касб-хунар таълими тизимини яратиш ва “академик жамият”дан “маҳорат жамияти”га ўтишни мақсад қилган.

БИЗДА ВА АЙНИ ПАЙТДА...

Мамлакатимизда касбий таълимнинг айна пайтдаги ривожланиш босқичи ҳақида сўз борганда, албатта, Президентнинг яқинда, аниқроғи, 23 октябрда қабул қилинган “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ушбу ҳужжатлар замиридаги мақсад ва моҳият, улар доирасида татбиқ этилаётган ва қутилиётган ўзгаришларга тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас.

Юқоридаги Фармон билан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида касбий таълим ташкилотлари (техникумлар) фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳани бошқаришга масъул Касбий таълим агентлиги ташкил этилди. Ушбу ўзгариш ёшларни касбга ўқитиш, уларда замонавий компетенциялар ва касбий маданиятни шакллантириш,

мамлакатнинг инсон капитали борасидаги имкониятларини тўлиқ сафарбар этишда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш мақсадларини кўзда тутди.

Шу билан бирга 2026 йилдан Касбий таълимни ривожлантириш жамғармасига техникумларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда касбий таълимни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа тадбирлар учун ҳар йили республика бюджетидан 600 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ажратилади.

Яна бир янгилик. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раислигида Касбий таълимни ривожлантириш ҳудудий тадбиркорлар кенгашлари тузилиб, уларнинг таркибига ҳудуддаги йирик тадбиркорлик субъектлари, иш берувчи ташкилот ва корхоналар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари киритилади. Тегшли ҳудудда ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, халқаро таълим дастурлари, ўқувчилар амалиёти ҳамда дуал таълимни

2 ярим минг (!) нафарга етказиш шулар жумласидан.

Келаси йилдан бошлаб 5 май куни “Касб ва меҳнат куни” сифатида ҳар йили кенг нишонланиши, унинг доирасида жамоатчилик, ёшлар орасида касбий таълимни оммалаштириш тадбирларини тизимли равишда олиб бориш масаласи ҳам кун тартибига чиқди.

Қувонарлиси, эндиликда ёшларни касб-хунарга йўналтириш аниқ қадамлар асосида амалга ошадиган бўлди. Яъни, 2026/2027 ўқув йилидан «Атрофимиздаги касблар» дастурига биноан мактабгача таълим ташкилотларида 5 ёшдан бошлаб болаларда ўйинлар орқали турли касблар ҳақида илк тасаввурлар шакллантирилади. Мактабларда 1—4-синф ўқувчиларига «Касблар алифбоси» дастурига кўра турли касблар аҳамияти ҳақида тушунчалар берилади ва ўғил-қизларда дастлабки касбий қизиқишлари шакллантирилади. «Касблар олами» дастури билан 5-6-синф ўқувчиларининг касбий фаолият ва меҳнат соҳаларига қизиқишлари ривожлантирилади, келажакдаги касбий танловга тайёргарликнинг асоси яратилади. Ва ниҳоят, 7 — 9-синф ўқувчиларини «Менинг келажакдаги касбим» дастури асосида қобилияти ва иқтидорига қараб академик таълим ёки касб-хунарга йўналтириш ишлари йўлга қўйилади.

2028 йилдан бошлаб техникумга йўналтириш 9-синф якуни бўйича ўтказиладиган имтиҳон натижасига кўра амалга оширилади.

Статистикада келтирилишича, Касбий таълим агентлиги таркибида 600 дан зиёд



такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш кенгашларнинг бирламчи вазифалари саналади.

“Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эса таълимнинг мазкур бўғинини 2030 йилга қадар ислох қилишнинг асосий мақсади кўрсаткичлари белгиланди. Халқаро ва қўшма таълим дастурлари татбиқ этилган техникумлар сонини камида 250 тага кўпайтириш, 9-синф битирувчиларининг касбий таълим билан қамровини амалдаги 29 фоиздан 50 фоизга чиқариш, техникумларда фаолият кўрсатаётган, хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ дастурларида иштирок этган педагоглар сонини 100 нафардан

техникумлар мавжуд. Тизимдаги янги ўзгаришлар ушбу ташкилотларнинг касбий билим ва малакаси етарли даражада шаклланган кадрларни тайёрлайдиган муҳим бўғинга айланишига туртки бериши муқаррар. Иқтисодиётда ҳамиша профессионал даражадаги касб-хунар эгаларига эҳтиёж борлигини инобатга олсак, техникумларда ўз ихтисослигини мукамал эгаллайдиган йигит-қизлар келгусида ишсиз қолмаслиги табиий. Бу эса ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ечишда яна бир ҳаётий ёндашувдир.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ҚИЗ БОЛА ЎҚИШИ ШАРТМИ? ЭСКИ САВОЛГА ЯНГИ ЖАВОБ

Бу савол асрлар давомида турлича талқин қилинади. Бир пайтлар жамиятда “қиз болага илмнинг кераги йўқ, уй ишини билса бўлди” деган қараш устувор эди. Аммо замон ўзгарди. XXI асрда бу фикрнинг ўзи жамиятни ортага тортади. Илмли аёл — жамиятнинг руҳи, маънавияти ва тараққиётини белгилайдиган асосий кучдир. Бугунги кунда жаҳон ўзгариш суръати шунчалик тезки, билимсиз инсон нафақат орқада қолади, балки ўз ҳаётини ҳам бошқара олмайди.

Лекин жамиятда ҳалигача “қиз бола ўқиши шартми?” деган савол турли муҳокамаларни келтириб чиқаряпти. Бир қарашда бу савол оддий туюлади, аммо унинг ортида бутун авлоднинг келажаги, маънавияти ва тараққиёти турибди. Шундан келиб чиқиб, ушбу масалага эътибор қаратишни жоиз топдик.

ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ЯНГИ ИМКОНияТЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қизлар таълимига катта эътибор қаратилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Аёллар таълими ва фаоллигини қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида минглаб қизларга грантлар, имтиёзли кредитлар ва таълим марказларига кириш имкониятлари яратилди. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” орқали минглаб қизлар таълим олмакда, касб ўрганмоқда, ишли бўлмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, бу ислохотлар ўз натижасини бериб, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 45 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди.

Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда қарийб 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки ярим баробар ошиб, 7,7 фоизга етгани эътиборли. Вазирлик ва идоралардаги ходимларнинг 49 фоизи хотин-қизлардир.

Шунингдек, хотин-қизларимиз тиббиёт соҳасида 75 фоиз, таълим соҳасида 71 фоиз, иқтисодиёт ва саноат соҳасида 47 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида 43 фоизни ташкил этмоқда.

Ушбу ўзгаришлар натижасида уларнинг илмий ва ижтимоий фаоллиги ҳам ортмоқда. Бу нафақат таълим соҳасида, балки жамиятдаги муносабатда ҳам катта бурилиш бўлди.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Бугунги глобал ривожланиш жараёнида қизлар таълими масаласи нафақат ижтимоий адолат, балки иқтисодий ўсишнинг ҳам асосий драйверларидан бири сифатида қаралмоқда. Айрим тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қизларнинг таълимга кенгроқ жалб этилиши мамлакат иқтисодиётини ошириши мумкин. Бу ҳолат таълимнинг асл иқтисодий қийматини кўрсатиб беради.

ЮНЕСКО ва Жаҳон банки таҳлилларига кўра, қизлар таълимига сармоя киритиш жамиятда камбағалликни сезиларли даражада

камайтиради. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, таълим даражаси ошган сари аҳолининг даромадлари ўсиб, камбағаллик даражаси ўн фоизлар атрофида пасайиши мумкин. Қизлар таълими меҳнат бозорида аёллар иштирокини оширади ва бу миллий иқтисодиётнинг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Халқаро тадқиқотларга кўра, қизлар таълими камрови юқори бўлган давлатларда иқтисодий ўсиш ҳам узоқ муддатли бўлиши эҳтимоли юқори эканлиги қайд этилган. Мисол учун, таълим тизими юқори даражада жорий қилинган бир қатор давлатлар бу йўналишда муҳим ютуқларга эришган.

Иқтисодчи олим Линда Скотт (Оксфорд университети) шундай дейди: – Аёлларни қувватлаш — бу фақат адолат масаласи эмас, балки иқтисодий стратегиядир. Дунё таълими шуни кўрсатмоқдаки, қизлар таълимига сарфланган ҳар бир доллар келгусида икки доллар иқтисодий фойда келтиради. Бу таълим соҳасига сармоя — нафақат инсон капиталига, балки давлатнинг иқтисодий барқарорлигига ҳам қўйилган инвестициядир.

Дунё таълими шуни кўрсатмоқдаки, қизлар таълимига сарфланган ҳар бир доллар келгусида икки доллар иқтисодий фойда келтиради. Бу таълим соҳасига сармоя — нафақат инсон капиталига, балки давлатнинг иқтисодий барқарорлигига ҳам қўйилган инвестициядир.

Қизлар билимли бўлса, улар фақат оила эмас, балки бутун жамиятда ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ўсишга хизмат қилади.

ТАЪЛИМЛИ АЁЛ — БАРҚАРОР ЖАМИЯТ АСОСИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қизлар таълими фақат маърифат эмас, балки ижтимоий барқарорликнинг асосидир.

● **Иқтисодий жиҳатдан билимли аёлларнинг иш билан таъминланиш эҳтимоли билимсизларга нисбатан икки баробар юқори.**

● **Ижтимоий жиҳатдан таълимли аёллар оилада соғлом муҳит яратади, зўравонлик ҳолатлари камаюди.**

● **Маънавий жиҳатдан билимли она фарзандини эркин фикрлайдиган инсон қилиб тарбиялайди.**

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, қизлар таълимига қилинган сармоя келгусида катта иқтисодий самара беради: ҳар бир қўшимча таълим йили аёлнинг келгуси даромадини 20 фоизгача ошириши мумкин. Бу рақамлар таълимнинг жамият ҳаётидаги стратегик аҳамиятини яққол кўрсатади.

ИҚТИСОДЧИЛАР ВА ПЕДАГОГЛАР БИР ФИКРДА

Шоҳсанам АЛИҚУЛОВА, ўқитувчи:

— Тарихдан ҳам кўрамиз: илмий, ижодий, сиёсий соҳаларда фаол бўлган аёллар ҳар доим жамият юзини ўзгартирган. Агар қиз бола ўқимаса бу фақат бир инсоннинг эмас, бутун жамиятнинг йўқотишидир. Қизлар таълимига берилаётган эътибор натижасида ҳозир ҳар бир синфда етакчи, фаол қизлар кўпайган. Улар нафақат фан олимпиадаларида, балки ижтимоий лойиҳаларда

тадбиркорлик соҳасидаги аёллар улуши ҳам барқарор ўсмоқда. Айниқса, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес йўналишларида фаол аёллар сони сезиларли даражада кўпайди. Бу ҳолат ҳудудлардаги иқтисодий фаолликка ҳисса қўшмоқда.

Таълимсиз қизлар эса кўпинча меҳнат бозорида пассив қолади, бу эса мамлакат иқтисодий потенциални чеклайди. Чунки ҳар бир билимли қиз — бу янги ғоя, янги имконият.

Ҳақиқатан ҳам, ўқимишли қизлар — бу эртанги малака, инновация ва самарадорликдир. Уларнинг ҳар бири иқтисодий тараққиётнинг янги ресурсидир.

Маҳбуба КАРИМОВА, социолог:

“Қиз бола ўқиши — бу фақат таълим масаласи эмас, балки жамиятнинг ментал ўзгариш масаласи. Ҳозирги авлод қизлари нафақат ўқияпти, балки ўз соҳасида етакчи бўлишга интилаяпти. Бу янги тафаккурнинг бошланиши.

Чунки қиз бола ўқиши бу нафақат ҳуқуқ, балки эҳтиёж. У билим орқали ҳаётда тўғри қарор қабул қилишни, ўз қадрини англашни, ўзини ҳимоя қилишни ўрганади. Илмсиз аёл жамиятда тенгликка,

СТАТИСТИКАГА КўРА, ТАЪЛИМ ОЛГАН АЁЛЛАР ОРАСИДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ АНЧА ПАСТ, УЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ, ФАРЗАНДЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЯХШИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК САҚЛанаДИ.

фаровонликка ва онгли авлодга йўл оча олмайди.

Статистикага кўра, таълим олган аёллар орасида камбағаллик даражаси анча паст, улар иқтисодий фаол, фарзандларининг саломатлиги яхши ва оилавий муносабатларда тенглик сақланади.

Демак, аёллар таълими — ижтимоий адолат, иқтисодий барқарорлик ва маънавий юксалишнинг асосий шартларидан биридир.

ОТА СЎЗИ: “ҚИЗИМ ЎҚИСА — БУТУН ОИЛА ЮКСАЛАДИ”

Тошкент шаҳридаги тадбиркор Ҳасан ота қизи Нилуфарни хорижда ўқишга юборган. У шундай дейди:

— Илгари қизларимни чет элда ўқитишни тасаввур ҳам қилмаганман. Лекин вақт ўтиб

англадимки, билим — қизнинг энг катта ҳимояси. У ўзини, ҳаётини, фикрини ҳимоя қила олади. Қизим ўқиса, бутун оила юксалади.

Бундай фикрлар жамият онгидаги ижобий ўзгаришлардан дарак беради. Чунки ҳар бир билимли қиз — миллатнинг маънавий қудратидир.

ҲАЁТИЙ ВОҚЕЛИК: СИНОВЛАР ВА ОРЗУЛАР

Самарқанд вилоятида туғилган Нигина Ортиқова 18 ёшида уй хизматчиси бўлиб ишлаган, лекин орзусидан воз кечмаган. У 2023 йилда Тошкентдаги нуфузли университет талабасига айланди.

– Менга сенинг ўқишинг керак эмас деганлар жуда кўп бўлди – дейди у. – Илмли бўлиш — менинг ўз ҳуқуқимни билишим, қадрим юксалиши учун керак. Фарзандларимни ҳам билимли қилиб ўстиришим учун зарур. Жамиятга фойдам тегиши учун ўқишим шарт.

Чиндан ҳам қиз боланинг ўқиши — унинг эркинлиги, ўзини қимом қилиш қобилияти ва келажақдаги фарзандларининг тарбияси учун пойдевордир. Бу воқеа ҳар бир қизга илҳом берадиган мисол. Нигина каби юзлаб қизлар таълим орқали ўз тақдирини ўзгартирмоқда. Бу ҳолат таълимнинг шахсий эмас, ижтимоий аҳамиятини ҳам кўрсатади. Илмли аёл нафақат ўзини, балки оиласини, ҳатто бутун мухитни ўзгатиради.

Бухоро вилоятида яшовчи Нилуфар опа ўз ҳаётини шундай эслайди:

“Мен мактабни битиргач, олийгоҳга кирмоқчи эдим. Аммо ота-онам рози бўлмади. Турмушга чиқдим, ҳаёт қийин бўлди. Кейин билимсизликнинг қанчалик оғир эканини ҳис қилдим. Энди қизимни ўқишдан тўхтатмайман. У мендек ортда қолмасин.”

Бу сингари воқеалар юртимизнинг кўпгина ҳудудларида учрайди. Қачонлардир қиз болани ўқитиш ҳақида гап кетганда, “у барибир турмушга чиқади, бола-чақа билан ўралашиб, нимани ҳам қойиллатарди, илмнинг кераги йўқ” деган қарашлар бўлган. Бундай фикрлар, афсуски, ҳали ҳам айрим жойларда сақланиб қолган. Бу эса аёлларнинг имкониятларини чеклаб, уларнинг жамиятдаги фаоллигини пасайтирган. Лекин замон ўзгарди, дунё кенгайди, билим ва тафаккур ҳаётнинг энг муҳим қуролига айланди.

Фикрлар шуни тасдиқлайдики, қиз боланинг ўқиши фақат бир оиланинг эмас, бутун миллатнинг келажагидир. Унинг қўлида китоб бўлса, жамиятда зўравонликка, камситишга ва маънавий таназзулга жой қолмайди. Демак, эски саволга янги жавоб шундай: Ҳа, қиз бола ўқиши шарт. Чунки билимли қиз мустақил фикрли она, кучли миллат ва тараққийпарвар жамиятнинг кафолатидир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ХУНАРИ БОРНИНГ ЗАРИ БОР

Наманган аҳли азал-азалдан хунаrmандчиликда пешқадам. Қандолатчилик дейсизми, пазандалик дейсизми, ганч-ўймакорлик ёки нақш санъати, дейсизми, асл усталарни Намангандан сўрайверинг, десак хато бўлмас.

Ҳа, Наманган сўзининг ўзи ҳам кимлардир талкинидаги Намаккон эмас, балки Нўмонкон, яъни, “Яхшилар қони” дейилса, ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Аммо шундай аҳли хунар Янги Ўзбекистон даврига келибгина рўшнолик кўриб, ич-ичида сақлаб келган ташаббусларини юзага чиқараётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш ва шунга яраша тадбиркор-у хунаrmандларнинг эркин фаолият юритиши учун имкониятларнинг кенгайтирилиши наманганликлар ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар суръатини, салмоғини оширмоқда. Наманган катта муваффақиятлар маконига, жуда кўп соҳаларда ўз брендига эга вилоятлардан бирига айланди. Бир пайтлар оёғига киядиган калишигача хориждан келишини кутадиган аҳоли “Истиклол дизайн

маркази”, “Амир”, “Арт Софт Текс”, “Ифтихор кийим саноат” сингари тамғалар остида хорижга тайёр маҳсулотлар чиқарадиган фаол экспортёрларга айланди.

Муболагага йўймасангиз, майда хунаrmандчилик Наманган аҳлининг қони, жони, нони. Бу заминда яшаганлар ҳали давлатчилик шаклланмасдан бурун ҳам ўз хунаrmандлиги ҳисобига тирикчилик қилганига қадим Ахсикент, Чуст, Мунчоқтепа ёдгорликлари қаъридан чиққан ашёлар гувоҳлик беради. Ҳатто Дамашк қиличларининг андозалари шу ерда кашф этилганини тасдиқлайдиладан далиллар топилган бу ердан. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, Янги Ўзбекистон давридагина наманганлик хунаrmандлар чин маънода қаддини тутдилар.

Фикримизни бошимизда кўтариб юрадиган қадимий ва навқирон Чуст дўпписи тимсолида очиб берсак.

Дўппининг турлари жуда кўп, деярли ҳар бир ҳудудда ўзига хос дўппилар борлиги ҳеч кимга сир эмас.Аҳамиятлиси, миллатимизнинг ўзига хос миллий атрибутига айланган бу дўппилар асосан қўл меҳнати, хунаrmанднинг кўз нури-ю қалб кўри билан яратилиши ҳисобига алоҳида санъат асарига ўхшаб кетади.

Бу хусусдаги қолган гапларни “Шуҳрат”

медали ҳамда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси чуствлик Нурхон Бобоевадан эшитинг.

–Дўппидўзликни онамдан ўрганганман,- дейди Нурхон фахрланиб. – Икки синглим ҳам шу хунарнинг этагини тутди. Мана, яқин олмиш йилки, дўппи тикиб, кам бўлмадик, эл ичида униб-ўсиб, обрў-эътиборга эришдик. Дўппи тикишни ҳали мактабга чиқмай туриб ўргана бошлаганмиз ва онамизнинг ёнига кириб, шу касбдан барака топдик. Ҳозир бу хунар сирларини ёшларга ўргатяпмиз. Шогирдларим орасида “Шуҳрат” медали соҳибалари ҳам бор. Хунари борнинг зари бор, дейишганидек, рўзгоримиз тўқин. Қишга қараганда ёзда биз тиккан дўппиларнинг бозори чаққон бўлади. Шу мавсумда ойига мингтагача дўппи тикамиз. Не бахтки, биз, хунаrmандларга яратилаётган имкониятлар, меҳнатимиз қадр-қиммати баландлиги кўнгилни хушнуд қилади. Иштиёқ, умид ва эртанги кунимизга ишонч ҳиссини оширади.

Бугун янгиланишлар, улкан бунёдкорликлар ичида яшаётган Наманганнинг қайси манзилида бўлманг, Нурхон сингари ҳаётидан мамнун, ислохотлардан рози, қўл меҳнати орқали даромад манбаини яратиб, муносиб



турмуш кечираётган, аждодлардан мерос миллий хунаrmандчилигимиз анъаналари авлодлар оша давом этишига ўз ҳиссасини қўшаётган касб эгаларини учратасиз. Бу, Нурхон айтмоқчи, улкан имкониятларнинг, қўллаб-қувватлашнинг ёрқин ҳосиласидир.

Зиёвуддин МАНСУР, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати.



Аёл матонати ва иродаси ҳақида кўплаб фильмлар кўрганмиз, эшитганмиз ёхуд ўқиганмиз. Жисмоний имконияти чекланган, аммо қатъияти, ўз-ўзига ишончи чексиз, ҳаётдан умиди катта, шунинг учун ҳам тақдир чиғирикларидан омон чиққан, оилада, жамиятда ўрнини топган бундай аёллар жуда яқинимизда, балки орамизда эканини баъзан сезмай қоламиз.

Қуйида ана шундай опа-сингилларимиз ҳақида бир шингил-бир шингил ҳикоя қиламиз.

“Ҳеч қачон таслим бўлмадим”

Пискентлик Лариса Дусманбетова 1976 йили Тошкент шаҳрида туғилган, 2-гуруҳ ногиронлиги бор. Пискент туманидаги 79-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатда пойабзал таъмирловчи уста бўлиб ишлаб келаётганига, мана, салкам йигирма беш йил бўлибди.

– Ногирон бўлиб туғилганман, етимликда ўсганман, ҳатто онамни кўрмаганман, - дейди Лариса. – Вақт ўтиб, ақлимни таниганим сари бу ҳаётда ўзимни топишим, ўз кунимни ўзим кўришим учун курашишим кераклигини англаб бордим. Интернетдаги тахсилдан сўнг олий ўқув юртида ўқиш, тарихчи бўлиш орзуим эди. Бироқ бу орзуим амалга ошмади. Ўзим мустақил равишда пойабзал таъмирлашни ўргандим. Мен нимагаки эришсам, ҳаммасига машаққат билан эришдим, лекин ҳеч қачон таслим бўлмадим. Салкам эллик ёшни қоралабман. Ўтган йиллар менинг фақат ва фақат иродамни тоблади. Жамиятимизда баъзан ҳатто

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ҲАЁТДАН УМИДИ КАТТА МАТОНАТ ЭГАЛАРИ

зиёли инсонларнинг ҳам ногиронлиги бўлганларга ачиниш ва ишончсизлик билан қарашидан дилим оғриши рост. Начора, бу ҳаёт! Аслида ҳаёт синовлари ҳамманинг бошида бор, бунинг тўрт мучаси соғ, бу ногирон деб қараб ўтирмайди... Мана шу синовларни ёруғ юз билан, енгиб ўтарканман, мен бекорга яшамаяпман, деб ўзимга-ўзим далда бераман.

Ларисанинг жасорати, инсоний фазилатлари кўпчилик учун ибрат. У 2019 йили “Жасорат” медали билан тақдирланган.

Иродаси метин каби

Яна шундай иродаси метин каби мустаҳкам аёлларимиздан бири Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи Манзура Эргашевадир. 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган Манзура 38 ёшда. 9-синфда ўқиб юрган чоғларида оддий шамоллашдан бошланган касаллик сабаб бирдан юролмай қолди. Кўзларидан ҳам нур кетди. Кечагина тенгдошлари каби ўйнаб-қулиб юрган қизалоқнинг кўзи ожиз бўлиб, дардмандга айланиши қанчалар оғирлигини

санъатини ўрганди. Ҳозирги кунда у ўз хонадонида мўъжаз гулчилик дўқонини ташкил этган ва оиласи учун доимий даромад манбаини яратган. Шунингдек, икки йилдан буён Қуйи Чирчиқ туманидаги “Баркамол авлод” марказида ўқувчиларга гулчилик сирларини ўргатиб келмоқда.

–Мен ўзимни ҳеч қачон имкониятим чекланган, деб ҳисобламайман, - дейди Манзура. – Чунки ногиронлик – бу меҳнатга лаёқатсиз, дегани эмас. Қувонарлиси, юртимизда худди мен каби оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиқнинг у ёки бу тури билан яшаётган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор ошиб борапти. Бундай қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрлик кўрсатишни маҳалла даражасигача, яъни, манзилли ташкил этиш, ногиронлиги бор ҳамюртларимизнинг турмуш шароитини ўнглаш учун кўп яхши ишлар қилиняпти. Буни мен ўз ҳаётим мисолида кўриб, билиб турибман. Мана шундай бир даврда яратилаётган имкониятлардан фойдаланмай, жамиятга ёки давлатга юк бўлиб яшаш инсон учун ярашмайди. Мен бу ёруғ оламга келдимми, нафас оляпманми, демак, ўзимдан яхши иш, яхши ном қолдиришим керак, деган қатъий аҳд бўлиши керак.



сўз билан таъриф этиш мушкул.

Манзура нақд йигирма йил соғлигини тиклаш мақсадида курашди. Кўзларини қисман даволай олди, хира бўлса-да, қайта кўра бошлагани қалбда орзу-мақсадларни уйғотди. Ихтисослаштирилган техникумда ўқиди, қўшимча курсларга бориб, гулчилик

Жисмоний имконият чекланса ҳам, ирода ва руҳ заиф бўлмаса, бахт ва муваффақият сизни бегона қилмайди!

Малоҳат ЕРГАШЕВА, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши партия фояларини тарғиб этиш ва ахборот сиёсати бўлими бошлиғи

“UzAuto Motors” aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishini o'tkazish to'g'risida

ХАБАРНОМА

HURMATLI AKSIYADORLAR!

“UzAuto Motors” AJ Kuzatuv kengashining 2025-yil 29-oktabrdagi bayonnomasiga asosan Jamiyat aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi 2025-yil 24-noyabr kuni 15:00 da o'tkaziladi.

Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi aksiyadorlar umumiy yig'ilishlarini masofadan turib Internet tarmog'ida onlayn rejimda o'tkazishga mo'ljallangan “Elektron ovoz berish - eVOTE” (<http://evote.uz/>) elektron ovoz berish servisi orqali o'tkaziladi.

Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishini o'tkazish uchun Jamiyat aksiyadorlari reestri 2025-yil 18-noyabr holatiga tuziladi. Ushbu sanada tuzilgan reestrga kiritilgan aksiyadorlar 2025-yil 24-noyabr kungi Jamiyat aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishida qatnashadilar.

Jamiatning joylashgan yeri (pochta manzili): Toshkent shahar, Mirobod tumani, Amir Temur ko'chasi, 13-uy. Jamiyatning elektron pochta manzili: info@uzautomotors.com

KUN TARTIBI:

- Jamiyat aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi reglamentini tasdiqlash.
- Jamiatning 2025-yil 9 oylik natijalariga ko'ra taqsimlanmagan foydasini taqsimlash, shuningdek dividendlar to'lash, dividendlar miqdori, uni to'lash shakli va tartibini tasdiqlash.

Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishida ko'rib chiqiladigan materiallar bilan aksiyadorlar Toshkent shahar, Mirobod tumani, Amir Temur ko'chasi, 13-uy manzilida joylashgan Jamiatning bosh ofisi binosida 2025-yil 2-noyabr kunidan 2025-yil 23-noyabr kuniga qadar, ish kunlari soat 10:00 dan 15:00 gacha tanishishlari mumkin.

Aksiyadorlar <http://evote.uz/> internet saytining elektron ovoz berish servisi orqali yig'ilishda ishtirok etish huquqiga ega bo'lgan aksiyadorlar ro'yhatiga kiritilganligi haqida elektron xabar olgan vaqtdan boshlab Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishida ishtirok etuvchi aksiyadorlar sifatida ro'yhatdan o'tgan deb hisoblanadi.

Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishida elektron ovoz berish servisi orqali ishtirok etish qoidalari (shartlari) bilan <http://evote.uz/> saytida tanishib chiqishingizni so'raymiz.

Telefon: 78 140-55-40 (3-1729 va/yoki 1727#) Jamiyat Kuzatuv kengashi.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси 1991-2005 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори лавозимида ишлаган арабшунос олим, академик Неъматуллоҳ Иброҳимовга турмуш ўртоғи

Малика аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1137. 1580 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 23:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda